

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)  
ОИД ШАРТНОМА № 60548**

« 25 » «ноябрь» 2022 йил

"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ, кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбар **Б.С.Тошқулов** номидан, бир томондан ва Булунгур туман хокимлиги, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи хоким ўринбосари **Д.Хабибуллаев** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га туман хокимлиги темир бетон устунлар (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зимм+-асига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Нархи	НДС 15%	Баҳоси
1	Темир бетон устунлар 9 метр	шт	150	1143478,26	171521739	25728261	197 250 000
2							
	<b>Жами</b>						197 250 000

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 5 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 1 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган товар (бажариладиган ишлар, курсатиладиган хизматлар) кийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, махсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 197 250 000 (бир юз тўқсон етти миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида 2022 йилнинг ноябрь ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида ишлар бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузилгандан кейин яқуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртмачи"нинг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманомани "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманоманда кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланеди.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустикал равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат килишга хаклидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «25» ноябрдан 2022 йил «31» Декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлик тугалланган такдирда тўхтатилади.

#### VIII ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муудатидан илгари бекор килиши мукин.

8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Булгур тумани буйича Газначилик булинмасидан белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мукин.

9.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан хакикий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (кўшимчалар руйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «Бажарувчи»

"Bulungurmaxsussuvpuadrat" MChJ

(ижрочининг номи)

манзили Булгур туман Оқтепа кўчаси 69 уй  
тел\факс \_\_\_\_\_

Х'р 20208000904696797001

Банк номи; АТ Халк банки

МФО01005 ИНН 206956762

##### «Буйортмачи»

Булгур туман Хокимлиги

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили \_\_\_\_\_

тел\факс \_\_\_\_\_

ш'хв 40172286067013990018008

Банк номи Марказий банк

МФО 00014 ИНН 200731256

Рахбар Б.С.Тошкуллов

(Ф.И.Ш.)



Рахбар; Д.Хабибуллаев

(Ф.И.Ш.)



2022 й «25» ноябрдаги №60548 - сонли шартноманинг 3 вараги

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177923 на приобретение Булунгур тумани Чангал-1 МФЙ Эшонқишлоқ аҳолисига темир бетон устунлар сотиб олиш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 19.11.2022

Время рассмотрения 19.11.2022 17:41

Закупочная комиссия Булунгур туман хокимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Секретарь комиссии</b>	UMAROV SHARIFXON SAIDXON O'G'LI	аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	XASANOV BERDIYOR ISHMAMATOVICH	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	RIZAYEV ABDUMUTALLIB BEKTOSHOVICH	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	ELMURATOV ALISHER MIRTAZAYEVICH	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	BOYMIRZAYEV BEKNIYOZ MUXIDDIN O'G'LI	Аъзо	Булунгур туман хокимлиги
<b>Председатель комиссии</b>	XABIBULLAYEV DILSHOD ISMAILOVICH	комиссия раиси	Булунгур туман хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.11.2022 года № лота 177923.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Опоры линий электропередачи</b>
Подробное описание	Чангал МФЙ темир устунлар
Количество товара	150.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1 330 000.00
Стартовая сумма	199 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қилган ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ	20	198000000	20	Экспертная		
БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К	20	килган ишларим шартномаларини илова киламан	19	Экспертная		

Критерий №2 Техникаси тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ	20	198000000	20	Экспертная		
БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К	20	техника базамиз мавжуд	19	Экспертная		

Критерий №3 Булунгур тумани Чангал-1 МФЙ Эшонқишлоқ ахолисига темир бетон устунлар сотиб олиш хизмати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ	20	198000000	20	Экспертная		
БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К	20	Темир бетон устунларни ўз вақтида етказиб беришни кафолатлаймиз	19	Экспертная		

Критерий №4 Таъминотчи тўзрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ	20	198000000	20	Экспертная		
БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К	20	ташкilotимиз Булунгур туманида жойлашган	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ	199 500 000.00	197 250 000.00 UZS	197 250 000.00	00.00	197 250 000.00	11.11.2022 10:54:41	19.01141
БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К	199 500 000.00	187 500 000.00 UZS	187 500 000.00	00.00	187 500 000.00	11.11.2022 14:04:15	20

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ	80	19.01141	99.01141
БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К	76	20	96

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177923 от 19.11.2022 года на приобретение Булунгур тумани Чангал-1 МФЙ Эшонқишлоқ ахолисига темир бетон устунлар сотиб олиш хизмати определила победителем:

"Bulungurmaxsussuvpudrat" MChJ  
206956762

и резервный исполнитель: БУЛУНГУР УСТА КУРУВЧИ Х/К (303081579)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XABIBULLAYEV DILSHOD ISMAILOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASANOV BERDIYOR ISHMAMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	RIZAYEV ABDUMUTALLIB BEKTOSHOVICH	Согласен	
Член комиссии	ELMURATOV ALISHER MIRTAZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BOYMIRZAYEV BEKNIYOZ MUXIDDIN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП